Ўзбекистон — Афғонистон:

# Дўстлик ва маърифат маркази

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг инфратузилмалар, технологиялар ва инсон ресурслари масалалари бўйича катта маслаҳатчиси Ҳумаюн Қаюмий меҳмондўстлик, самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, кадрлар тайёрлашдаги кўмаги учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Афғонистон раҳбари Муҳаммад Ашраф Ғанининг самимий миннатдорлик сўзларини етказди.

Ўзбек ҳамда афғон халқларини яқин қўшничилик ва азалий дўстлик ришталари ўзаро боғлаб туради. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ҳамда энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга, миллий кадрларини тайёрлашга катта ҳисса қўшмоқда ва бундан кейин ҳам ҳисса қўшади, дея таъкидлаган эди.

Биргина ўтган йили икки давлат раҳбарлари олти маротаба учрашгани, 4-5 декабрь кунлари Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани мамлакатимизга расмий ташриф билан келгани икки томонлама муносабатларга янгича руҳ бағишлади. Амалий музокаралар натижасида тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлар имзоланди. Бу эса, Афғонистондан келган нуфузли меҳмонлар қайд этганидек, икки давлат муносабатларида янги олтин саҳифа очгани баробарида, кўп томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкам ва ишончли пойдеворини ўрнатди.

Таъкидлаш жоизки, Термиз туманида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказини ташкил этиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга тегишли бўлиб, Афғонистон Президенти Ашраф Ғани томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

— Инсоннинг таълим олишига киритилган инвестиция келажакка йўналтирилган энг яхши сармоядир, — дейди Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг МДҲ давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича махсус вакили Шокир Коргар. — Бу сармояларни бошқа инвестициялар билан қиёслаб бўлмайди. Президент Шавкат Мирзиёев ва халқингизнинг Афғонистонга нисбатан ниятлари, саъй-ҳаракатлари самимийдир. Шунинг учун ҳам биз буни юксак қадрлаймиз. Илоҳим, Парвардигор Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни ҳамиша ўз паноҳида асрасин. Ўзбекистон байроғи доимо ҳилпираб турсин. Халқларимиз дўстлиги абадий бўлсин! Бугун давлатларимизнинг ўзаро муносабатлари янги босқичга чиқаяпти. Ҳозирги саъй-ҳаракатларимиз аждодларимиз Навоий, Беруний, Бобур руҳларини шод этишига аминман. Сурхондарёда таҳсил олишга келган афғон ёшлари Ватанига қайтгач, Ўзбекистоннинг элчилари бўлишади, дўстлик ҳамда яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ўз билим ва кучларини сафарбар этишади.

Таълим маркази Афғонистон фуқароларини ўқитиш бўйича бутун бошлиқ талабалар шаҳарчасини ўзида мужассам этган. Мажмуада билим олиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. 750 ўринли ўқув биноси, 180 ўринли фаоллар зали, 100 ўринли ошхона, спорт зали ҳамда ҳудуддаги стадион, шунингдек, 110 ўринли талабалар тураржойлари таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида кимё ва физика фанлари лаборатория хоналари, чет тилларни чуқур ўргатишга мўлжалланган лингафон кабинети, ахборот технологиялари ҳамда темир йўл транспорти ишини ташкил этишга ихтисослаштирилган махсус синфлар яратилди. Ахборот-ресурс марказида кўплаб китоблар мавжуд, қолаверса, бу маскан интернетга, олий ўқув юртлариаро электрон базага уланган. Жорий йилда яна 300 ўринли иккита тураржой қурилиши режалаштирилмоқда.

— Машғулотлар ўзбек ва дарий тилларида олиб борилади, — дейди марказнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Тошпўлат Тошев. — Бунинг учун Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Термиз давлат университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари жалб этилади. Афғонистон тарафининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 17 та йўналишда олий, 16 та йўналишда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича ўқув режалари модуллари ишлаб чиқилди. Корпоратив тармоқ орқали электрон таълим тизимидан фойдаланиш имконияти яратилган. Шу асосда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларининг етакчи олимлари масофадан туриб машғулотларни олиб бориши мумкин. Битирувчиларга 2 йиллик таълим якунида ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасидаги ҳужжат берилади.

— Афғон ёшлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида таҳсил олади, — дейди Афғонистон Савдо вазирлиги масъул ходими Мусофир Кўҳондий. — Мисол учун, Қозоғистонда ўтган йили турли олий таълим муассасаларида 500 нафарга яқин ёшларимиз таҳсил олишди. Бироқ Ўзбекистондаги сингари фақат афғонистонлик ёшлар учун ташкил этилган ноёб талабалар шаҳарчаси дунёнинг бошқа бирон ерида йўқ.

— Ўзбекистон заминига қадам қўйишим биланоқ ифодалаб бўлмас меҳр тафтини ҳис қилдим, — дейди афғонистонлик Аҳмад Жавод Муҳаммад Назар. — Бу юрт одамлари билан бевосита мулоқотда бўлиш орзусида эдим. Кўрганларим шу пайтгача эшитиб юрган таассуротларимни янада бойитди. Дўст ўзбек халқи бизни самимий ва очиқ чеҳра билан қарши олди. Ўзбекистонда ўқиш мен учун қувончли, албатта. Ўзим болаликдан адабиёт ва санъатга ошуфтаман. Навоий ҳамда Машраб девонлари қўлимдан тушмайди. Уларнинг ижодидан кўплаб намуналарни ёд олганман. Таҳсил жараёнида бу даҳо ижодкорлар меросини чуқур ўрганиш, ўзбек тили ва адабиёти бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишга астойдил интиламан.



Тантанали маросимда сўз олган бўлажак талабалар ўзбек тилида бемалол гапиришди, мумтоз ўзбек адабиётидан иқтибослар келтиришди. Бу ҳам афғонларнинг, ушбу мамлакатдаги ўзбекларнинг ўз ўтмишини кўз қорачиғидек асраб-авайлашидан, маданиятларимиз умумийлигидан, халқларимиз яқинлигидан далолатдир.

Тантанали тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. Маҳмудов ҳамда Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг инфратузилмалар, технологиялар ва инсон ресурслари масалалари бўйича катта маслаҳатчиси Ҳумаюн Қаюмий янги таълим марказининг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Афғонистонлик меҳмонлар Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуаси, Термиз археология музейида бўлишди. Байрамона дастурхон ёзилиб, куй-қўшиқлар янгради.

**Илҳом РАҲМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёшларга ҳавас қилса арзийди

*Бухоро шаҳридаги уч қаватли собиқ маданият саройи биноси таъмирдан чиқарилиб, Ёшлар марказига айлантирилди.*

**БУНЁДКОРЛИК**

Маскандан 800 ўринли томоша зали, 280 кишига мўлжалланган кинозал ва ахборот-ресурс маркази ўрин олди. Шунингдек, хорижий тилларни ўрганиш, рассомлик, тикувчилик, актёрлик каби йўналишларда йигирмадан зиёд тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди.

— Марказда бир қатор спорт турлари бўйича машғулотлар ҳам ўтказилишини эшитиб беҳад қувондик, — дейди бадиий гимнастика бўйича нуфузли мусобақалар ғолиби Умида Фаттоева.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Божхона назоратидан ўтишда икки йўлакли тизим

*"Урганч" халқаро аэропортида ҳам йўловчилар божхона кўригидан ўтиш чоғида энди "яшил" ёки "қизил" йўлаклардан бирини танлашади.*

**ҚУЛАЙЛИК**

"Яшил" йўлак жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадлардаги қўл юки ва кузатиб борилаётган багаждаги товарларни божхона чегарасидан декларация тўлдирмасдан олиб ўтиши учун мўлжалланган бўлса, "қизил" йўлак жисмоний шахсларнинг ёзма шаклда декларацияланиши лозим бўлган қўл юки ва кузатиб борилаётган юкдаги товарларни божхона чегарасидан олиб ўтиш учун мўлжалланган жой ҳисобланади.

Экспертларнинг фикрича, бу фуқароларнинг божхона расмийлаштирувидан ўтишларини жаҳон стандартларига мувофиқ тарзда амалга ошириш имконини беради, чегарадаги расмиятчиликларни енгиллаштиради ҳамда туризмнинг ривожланиши учун қулай шароит яратади.

— Ҳозиргина "Домодедово" аэропортидан учиб келдим, — дейди йўловчи Уйғун Ўринбоев. — Божхона назоратидан ўтиш учун саноқли дақиқа кифоя қилди.

Бундай тизим мамлакатимиздаги божхона чегараси орқали ўтиладиган барча автомобиль ва темир йўл ўтказиш пунктларида ҳам қўлланилмоқда.

**Одилбек ОДАМБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ФУТБОЛ**

*Хитойда ўтказилаётган 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати финалига Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳам йўл олди.*

## Олимпия терма жамоамиз финалда

Равшан Ҳайдаров мураббийлигидаги ёш футболчиларимиз яримфиналда Жанубий кореялик тенгдошларига қарши майдонга тушиб, учрашувнинг биринчи бўлимида Забиҳулло Ўринбоев, қўшимча бўлимларда эса Азизжон Ғаниев, Жасурбек Яхшибоев ва Акромжон Комилов киритган голлар эвазига 4:1 ҳисобида зафар қучишди. Номинал меҳмонлар таркибида Хванг Хюн-Су дарвозамизни аниқ нишонга олди.

Иккинчи яримфинал баҳсида Вьетнам терма жамоаси аъзолари қатарлик футболчиларни пенальтилар сериясида (асосий вақтдаги ҳисоб 2:2) доғда қолдириб, бош соврин учун йўлланмани қўлга киритишди.

Энди Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 27 январь куни мусобақанинг ҳал қилувчи беллашувида Вьетнам терма жамоаси билан куч синашади.

**С. ИСЛОМОВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки

2018 йил мамлакатимизда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютадаги муддатли қуйидаги янги омонат турини таклиф этади:

«ФАОЛ ТАДБИРКОР»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 6 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 23 турда ва хорижий валютада 13 турда, қулай шартларда омонат турларини таклиф қилади. Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | (0-371) | 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | (0-369) | 227-15-68 |
| «Автотранспорт» филиали | (0-371) | 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | (0-436) | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | (0-371) | 140-39-36 | Зарафшон филиали | (0-436) | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | (0-371) | 221-80-67 | Бухоро вилояти филиали | (0-365) | 770-05-19 |
| Сергели филиали | (0-371) | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | (0-365) | 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | (0-371) | 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | (0-366) | 233-65-47 |
| Андижон вилояти филиали | (0-374) | 223-60-74 | «Афросиёб» филиали | (0-366) | 221-71-76 |
| Асака филиали | (0-374) | 233-21-99 | Қашқадарё вилояти филиали | (0-375) | 221-07-41 |
| «Фарҳод» филиали | (0-374) | 226-96-63 | Сурхондарё вилояти филиали | (0-376) | 770-82-12 |
| Фарғона вилояти филиали | (0-373) | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | (0-361) | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | (0-373) | 237-62-23 | Хоразм вилояти филиали | (0-362) | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | (0-373) | 432-19-80 | Сирдарё вилояти филиали | (0-367) | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | (0-373) | 542-61-01 | Жиззах вилояти филиали | (0-372) | 226-43-11 |

Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
— эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— миқдори чекланмаган.

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ «Нодирабегим» филиалига қарашли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 69-уй манзилидаги «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Яшнобод филиали биносида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, давлат рақами 01/374 DFA бўлган, «Nexia DOHC» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 40 524 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2018 йил 7 февраль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 5 февраль куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолибига 5 (беш) банк куни мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

*Гувоҳнома № 001805.*

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Жаҳон тиллари кафедраси профессори **Шарифа Муҳамеджановна ҚОРИЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 232-10-63. E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 145. 144 061 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6766

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 00.10 2 3 4 5 6